
“ЯНГИ САЙЛОВЛАР – ЖАМИЯТ УЧУН СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ ИМКОНИАТЛАРДИР”

Мазкур шиор остида О‘зЛиДеР Қувасой шаҳар Кенгаши томонидан Марказий маданият уйи бошланғич партия ташкилотибиносида сайловолди тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Партия фаоллари, бошланғич партия ташкилотлари аъзолари иштирокидаги йиғилишда жорий йилнинг 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловларга ҳозирлик кўриш давомида партия томонидан олиб борилаётган амалий ва тарғибот ишлари, кўрсатилган номзодлар, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган аниқ мақсадларга хизмат қилувчи режалар муҳокама қилинди.

Сайловолди тадбирида республикаимиз тарихида илк бор ўтказилаётган ўзига хос, янгича сайлов тизими билан боғлиқ ҳуқуқий норма ва меъёрларни ўз ичига қамраб олган яхлит қонун ҳужжати – Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси ва унинг мазмун-моҳияти хусусида партия вилоят Кенгаши Сиёсий таълим маркази раҳбари Дилшод Тўрақулов маъруза қилди.

Таъкидландики, янги Сайлов кодекси кучга кириши билан бунга қадар амалда бўлган сайлов қонунчилиги ҳужжатлари ўз кучини йўқотди. Амалдаги Сайлов кодекси 18 боб, 103 моддадан иборат бўлиб, оддий, содда ва равон тилда ёзилган.

Мазкур кодексга кўра, сайлов принципи умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали очиқ ва ошкора амалга оширилади.

Шунингдек, сайлов қонунчилигидаги янгиликлардан бири – сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати шакллантирилди ва у кодекс билан тартибга солинди. Бу йил вилоятда 516 минг 400 нафар сайловчи борлиги аниқланди. Сайловлар жойларда соат 8.00 дан кечки 20.00 га қадар давом этади. Бу ҳам бўлса, халқимизга яратилган яна бир қулайликлардан бири эканлиги тилга олинди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – О‘зЛиДеР Қувасой шаҳар Кенгаши томонидан партияянги дастурининг бош ғояси, сайловолди дастури билан таништирилди ва йиғилганларни бўлиб ўтадиган сайловларда О‘зЛиДеРдан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлашга чақирилди.

Х.АЛИМОВА, халқ депутатлари Қувасой шаҳар Кенгашидаги О‘зЛиДеР депутатлик гуруҳи ижрочи котиби.

2019-11-14 10:28:27